



**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга оид ички ишлар
органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоралари**

М.Р. Саидов

ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг маъмурий-фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20426762>

Аннотация. Ушбу мақолада ички ишлар органларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши курашишдаги профилактик чоралари, уларнинг самарадорлиги ва жиноятлар билан боғлиқ ҳолатлардаги тизимли ёндашувлар таҳлил қилинади. Мақолада ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлари, уларнинг профилактик механизмларини, уларнинг статистикасини таҳлил қилиш ва уларни камайтиришга қаратилган таклифлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ички ишлар органлари, профилактика, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ҳуқуқий чоралар, профилактик механизмлар, жиноятчилик, хавфсизлик, жамият, жиноятлар статистикаси, ҳуқуқий ахборот, самарадорлик, давлат органлари, ҳуқуқий мониторинг.

Меры органов внутренних дел по профилактике правонарушений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами.

Аннотация. В данной статье анализируются профилактические меры, предпринимаемые органами внутренних дел в борьбе с наркотическими средствами и психотропными веществами, их эффективность и системный подход к решению связанных с этим преступлений. Рассматриваются работы органов внутренних дел, направленные на профилактику правонарушений, их

Contact: 99 826 99 56



профилактические механизмы, анализ статистики преступлений и предложения, направленные на сокращение преступности в этой сфере.

Ключевые слова. Наркотические средства, психотропные вещества, органы внутренних дел, профилактика, правонарушения, преступления, правовые меры, профилактические механизмы, преступность, безопасность, общество, статистика преступности, правовая информация, эффективность, государственные органы, правовой мониторинг.

Measures of internal affairs bodies for the prevention of offenses related to narcotic drugs and psychotropic substances.

Abstract. This article analyzes the preventive measures undertaken by law enforcement agencies in the fight against narcotic drugs and psychotropic substances, their effectiveness, and the systematic approaches to addressing related crimes. The paper discusses the efforts of law enforcement agencies aimed at preventing offenses, their preventive mechanisms, an analysis of crime statistics, and proposals aimed at reducing crime in this area.

Keywords. narcotic drugs, psychotropic substances, law enforcement agencies, prevention, offenses, crime, legal measures, preventive mechanisms, criminality, security, society, crime statistics, legal information, effectiveness, government agencies, legal monitoring.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар жамиятдаги энг хавфли ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Улар нафақат инсон саломатлигига, балки жамиятнинг барқарорлигига ҳам жиддий таҳдид солади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Р.Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрь кунидаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги нутқида “Гиёҳвандликни таг-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизда кучли

Contact: 99 826 99 56



маънавий-руҳий иммунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз” деган гапларини эслашни жоиз деб билдик¹.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат ҳуқуқбузарликларни ҳуқуқий баҳолашда ҳуқуқбузарлик предметини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам ушбу гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишини олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига йўналтирилган чоралар давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан доимий равишда амалга оширилмоқда.

Шу жиҳатдан ҳам, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасига кўра, мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш² келтириб ўтилган.

Гиёҳвандлик атамаси этимологик жиҳатдан “гиё(ҳ)” сўзи билан бевосита алоқадор. Изоҳли луғатларда бу атама икки маънода, яъни “...набобот, ўт, ўсимлик ҳамда ўсимликлар ширасидан олинадиган наркотик моддалар (наша, қорадори кўкнори ва бошқалар) билан боғлиқ” эканлиги қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрь кунидаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни <https://www.lex.uz/acts/2387357>



Қомусий луғатларда бу тушунчага тўғридан-тўғри таъриф берилмаган бўлса-да, бироқ матнларда “гиёҳвандлик”³ ибораси қўлланилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади⁴.

Ички ишлар органлари ушбу жараёнда муҳим ролни ўйнайди, чунки улар жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва профилактик тадбирларни амалга оширишда асосий вазифани бажаради.

Мазкур мақолада, ички ишлар органларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга ошираётган чоралар ва уларнинг самарадорлигининг бугунги ҳолатига баҳо берилади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалиши мамлакатлардаги жиноятчилик даражасини оширишга, аҳолининг саломатлигига, иқтисодиётга ва жамиятнинг барқарорлигига турли хил таҳдидлар солмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу муаммо кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ҳукумат ва ички ишлар органлари ўзлари бунга қарши курашиш мақсадида янги профилактика механизмлари ишлаб чиқишда.

Бироқ, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келаётган нотинч вазиятлар аҳоли мигратсиясини кучайтириш орқали

³ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. -Б.66. -656 б.

⁴ Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 10.02.2026)



гиёҳвандлик ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига⁵ олиб келмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар, айниқса, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айлантириш, уларни тарқатиш ва ишлатиш билан боғлиқ жиноятлар юзага келади. Бундай ҳуқуқбузарликлар саломатликка, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига ва иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ички ишлар органларининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Гиёҳвандлик воситаларини тарқатишнинг олдини олиш йўналишида — ички ишлар органлари жиноятларга қарши курашиш учун профилактик тадбирлар ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини тарқатишда айбдорларни аниқлаш ва жазо чораларини кўришни таъминлайди.

2. Жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтиришда — ички ишлар органлари ахборотни тарқатиш, жамоатчиликни огоҳлантириш ва профилактик тадбирларни жорий этишда муҳим роль ўйнайди. Жамоатчилик билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш профилактиканинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

3. Қонунчиликнинг мустаҳкамланишида — ички ишлар органларининг профилактика фаолиятидаги самарадорликни ошириш учун қонунчилик ва ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш талаб этилади. Гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини янада кучайтириш зарур.

⁵ Саидов М.Р. Фуқароларнинг ноқонуний миграция ва одам савдосидан асрашнинг айрим масалалари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2025. – Т. 5. – №. 10. – С. 60-66.



4. Таълим ва тренинглarning аҳамияти — ички ишлар органларининг ходимлари учун доимий ravishda тренинглар ва таълим дастурлари ўтказиш муҳимдир. Бу профилактика фаолиятини самарали амалга ошириш учун ёрдам беради.

Ҳозирги кундаги ички ишлар органларининг профилактика фаолиятида бир қатор муаммолар мавжуд. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кадрлар тайёргарлигининг етишмаслиги — ички ишлар органлари ходимларининг профилактика ва мониторинг бўйича малакасини ошириш зарур. Бундан ташқари, кадрларнинг назарий ва амалий тайёргарлигига жиддий эътибор қаратилмайди, бу эса профилактикадаги самарадорликни камайтиради.

2. Мавжуд қонунлар ва сиёсатларнинг самарасизлиги — гиёҳвандликка қарши курашишдаги баъзи қонунлар ва сиёсатлар замон талабларига мос келмайди. Шунингдек, уларнинг амалга оширилишида аниқ ва аниқлашган механизмларнинг йўқлиги профилактикадаги самарадорликни камайтиради.

3. Жамоатчилик билан ҳамкорлиkning самарасизлиги — жамоатчилик билан ҳамкорлик профилактиканинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо, бугунги кунда жамоат ташкилотлари ва ички ишлар органлари орасидаги ҳамкорлиkning самарадорлиги жуда паст.

4. Замонавий мониторинг тизимларининг етишмаслиги — гиёҳвандлик воситаларининг айланишига мониторинг олиб бориш ва уларнинг тарқалишини олдини олиш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг профилактика фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

биринчидан, рақамли технологияларни жорий қилиш — гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишини мониторинг қилиш ва жиноятларни аниқлаш





учун замонавий ахборот тизимларини жорий этиш. Бу профилактика фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

иккинчидан, қонунчиликни мустаҳкамлаш — гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ва уларга қарши курашиш учун қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мустаҳкамлаш. Жазо сиёсатини аниқлаштириш ва қонунларнинг ёшлар ўртасидаги таъсирини ошириш.

учинчидан, жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш — жамоат ташкилотлари, ОАВ ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Ҳар бир шахснинг профилактика фаолиятига ўз хиссасини қўшиши жиноятчиликнинг камайишига олиб келади.

тўртинчидан, психологик ва ижтимоий хизматлар — гиёҳвандликка мўлжалланган реабилитация ва психологик хизматларини жорий этиш. Бу, айниқса, гиёҳванд моддаларга мойил бўлган шахсларнинг соғлом ҳаётга қайтишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги ёшларда трамадол ва янги пайдо бўлган тропикамид дорилари истеъмоли ҳам кучаймоқда. Улар таъсирида эса ёшлар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этилмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда ёшлар орасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган (*Трамадол, Налбуфин ва ҳ.к.*) психафаол (*Лирика, Регален, Галара ва ҳ.к.*) дори воситаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг учраб туриши ҳамда ёшларимизнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари, замонавий билим ва касбга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган бўлишига қарамай наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир қилишлари ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, гиёҳвандликка мубтало бўлиш нафақат бир шахснинг муаммоси балки, уларнинг оиласи, жамият учун ҳам бош-оғриғидир. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга оид





хуқуқбузарликларнинг профилактикаси ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу муаммога қарши курашишдаги самарадорликни ошириш учун ички ишлар органларининг профилактика фаолиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Ўйлаймизки, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарши самарали профилактик чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. <https://lex.uz/docs/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрь кундаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан <https://president.-uz/uz/lists/view/8834>.
3. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. — 656 б.
4. Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 10.02.2026)
5. Саидов М.Р. Фуқароларнинг ноқонуний мигратсия ва одам савдосидан асрашнинг айрим масалалари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2025. – Т. 5. – №. 10. – С. 60-66.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни <https://www.lex.uz/acts/2387357>